

ЎҒИЛ БОЛАЛАР КИЙИМИНИ КОНСТРУКЦИЯЛАШДА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

маг У.Парпиев, доц.Ж.Қаюмов (НамМТИ)

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовтамонидан енгил саноат мутахассислари ва тадбиркорлар олдига бир неча асосий вазифалар қўйилган эди[1]. Шу жумладан, “биз хом ашё ва арзон ярим тайёр маҳсулотлар билан эмас балки, харидоргир ва сифатли тайёр буюмлар билан савдо қилишни ўрганишимиз керак”-деган гапларини амалда бажариш юзасидан қулай, чиройли ва енгил болалар кийимини замонавий мода йўналишида лойиҳалашга тўғри ёндашув талаб қилинади.

Болалар кийимининг асосий талаблари: оддийлик ва гўзаллик ҳисобланади. Кийимни лойиҳалаш жараёнида боланинг ёши, кийимни кийиш шарт-шароитлари, газламанинг хусусиятларини эътиборга олиш керак. Болалар гавдасининг мутаносиблиги катталар гавдасининг мутаносиблигидан фарқ қилади, шунинг учун болалар кийимининг моделлари катталарникини такрорламаслиги керак. Ясли ва боғча ёшидаги қиз болалар куйлакларини асосан елкадан бошланадиган оддийроқ куйлак, сарафанлар ҳисобланади. Уларда бурмалар, кокеткалар, кокетка остидан майда тахлама ёки бурмалар бўлиши мумкин.

Боланинг ёшига қараб газлама танланади. Ясли ва боғча ёшидаги қизлар учун яъни кўпроқ турли ўйинлар билан машғул бўладиган қизлар учун енгил, қиммат бўлмаган, ёрқин рангли газламалар ишлатиб, уларнинг гуллари ҳар хил, яъни майда гулли, майда катаклар, ҳайвончалар расмлари бўлиши мумкин. Уларда кант, сутаж, тасмалардан безак сифатида фойдаланилади [2, 3].

Болалар кийимининг формалари ва модалари тобора кўпаяётганлиги катта ёшдаги кишилар кийимларининг турлари ҳамда формалари кўпайиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Ҳозирги болалар кийимининг асосий сифат кўрсаткичларидан бири унинг функционаллигидир. Кийимнинг функционалиги комплек тушунча бўлиб, кийимнинг конструктив ва эстетик характеристикасини, унга қўйиладиган физиологик, социал ва технологик талабларни ўз ичига олади [4].

Ясли ёшидаги болалар кийимлари жуда эркин, ҳаракатланишни кийинлаштирмайдиган ва қулай бўлиши лозим.

Чақалоқнинг биринчи устки кийими – совуқ ўтказмайдиган, енгил, етарли даражада тўқис, енгсиз қопкўрпа ҳамда қайтарма қалпоқли пальто-конвертдан иборат. Ички кийими – ползунка билан бирга кофточка ва куйлақлар, улар кўпинча трикотаждан тикилади.

Бола ўсиб катта бўлган сари унинг кийимларини тури ҳам ўзгариб боради; комбинезон (иштони билан куйлаги бирга қўшиб тикилган), ярим комбинезон билан куйлак, калта шим (шорти), куртка, плаш шулар жумласидандир.

Мактабгача тарбия ёшидаги ўғил болаларга шим, куйлак, куртка тавсия этилади. Ўғил болалар пальтосининг енги ўмизига ўтқазиб тикиладиган ёки реглан бичимли енгли бўлади; барлар эса ўртадан тугмаланади, яъни пальто бир бортли ёки икки бортли, қайтарма ёқали ёки капюшонли (қайтарма қалпоқли), чўнтакли ва белбанд (хлястик)ли бўлади. Бу ёшдаги болаларга хос костюм – “мотроска”, шунингдек, чийдухоба, нимбахмал ва жинсибоп материалдан тикилган костюмлардан иборат.

Мактаб ёшидаги болаларнинг кийимлари хилма-хиллиги билан ажиралиб туради. Мактаб болаларининг кийимлар гардеробини мактаб формасидаги ўқувчилар кийими билан бир қаторда, спорт кийимлари, коржома (меҳнат дарсида кийилади)лар ташкил этади. Кундалик кийим турли услубдаги формалар ва қат-қатлиги билан характерланади. Пальто кўпроқ тўғри бичимли қилиб тикилади; унинг енги ўмизга ўтазиб тикиладиган реглан бичимли ёки комбинациялаштирилган бўлиши мумкин; чўнтаклар ўйма қилинади. Пальтонинг бари бир бортли ёки икки бортли бўлади. Мактаб ёшидаги болаларнинг пальтосини кокеткали, белбандли, погонли қилиб тикиш, сербар бахя солиш, табиий ёки сунъий чармдан безаш, хилма-хил шнур, металл тўқа, тугма, блокалар билан безатиш мумкин. Куртка билан шим кийимнинг асосий тури ҳисобланади. Куртканинг модели ҳар хил бўлиши, шимлар узун, калта (шорти) ёки гульф формасида тикилиши мумкин.

Болаларга мўлжалланган замонавий пальтоларни саноат усулида ва бир йўла кўп миқдорда тикиш кўзда тутилган; бу ҳол пальтоларни конструкциялаш ва безатиш усуллари ҳамда пальто тикиладиган материалларни универсаллаштиришни тақозо этади.

Спорт типидagi пальто болалар учун мўлжалланган жами кийимларнинг етакчи ва асосий услуби ҳисобланади [5].

Плашлар, ёмғирпўшлар, накидкалар, курткалар ва ҳар хил жомакорлар (комбинзонлар, фартуклар, береткалар, енгликлар) тикиш учун плёнка материаллар ишлатилади. Поливинилхлорид ва полиэтилен плёнкалар энг кўп ишлатилади. Уларни тайёрлаш учун хом ашё сифатида тўлдиргичлар, пластификаторлар, стабилизаторлар ва бўёвчи пигментлар қўшилган синтетик смолалардан фойдаланилади. Тўлдиргичлар плёнкаларнинг механик хоссаларини яхшилайдиган, пластификаторлар уларни эластик, майин, қайишқоқ қилади, стабилизаторлар эса плёнкаларнинг эскиришини секинлаштиради. Компонентларни ҳар хил нисбатда қўшиб керакли хоссаларга эга бўлган ҳар хил плёнкалар олиш мумкин.

Плёнкалар шаффоф ва шаффофмас, рангли ёки садаф, тилла ҳамда кумуш каби товланиб турадиган бўлади. Босма гулли плёнкалар ҳам ишлаб чиарилади. Плёнкаларнинг сирти силлиқ ёки газлама ёхуд чарм сингари босма нақшли бўлиши мумкин.

Плёнкали материаллар хлорли эритувчиларда қуруқлайин кимёвий тозаланганда емирилади.

Плёнка буюмларнинг деталлари термоконтант усулида ипсиз тикув машинаси (БШМ)да ультратовуш билан ёки махсус установкаларда юқори частотали ток билан маҳкамланади. Шу усуллар билан ҳосил қилинган ипсиз чокларнинг пухталиги плёнкаларнинг пишиқлигидан анча юқори бўлади. Термопластик массада яхлит буюм масалан, балиқчилар учун сув ўтказмайдиган жомакор ва ҳакозлар тайёрлаш мумкин.

Плёнкали материаллардан тайёрланадиган буюмларнинг пишиқлиги ва иссиқлик ўтказмаслик хоссаларини яхшилаш учун плёнкаларни газламага ёпиштириш тавсия этилади [6].